O'ZBEKISTON

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 5 FEVRAL ◆ SESHANBA ◆ №16 (26.875)

## «Қуруқликдаги операция: ИПАК ЙЎЛИ САМАРҚАНДГА»

**— Британияда чоп этиладиган таниқли «Таймс» газетасида ана шундай сарлавҳа остида Ўзбекистоннинг диққатга сазовор кўҳна шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи мақола эълон қилинди. У ўтган йилнинг ёзида мамлакатимизда бўлиб қайтган журналист Кэт Ургухарт қаламига мансубдир.**

Газетхонларга Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг салобати ҳақида ҳикоя қилар экан, мақола муаллифи хорижлик сайёҳлар учун ноёб осори-атиқалар ҳисобланмиш қадим ёдгорликлар, бетакрор масжид-мадрасаларни ўз кўзи билан кўриш асносида бой тарих билан рўбарў бўлганини таъкидлайди.

— Биз Ўзбекистоннинг ҳамма жойида ўз маданий мерослари намуналарини фахр билан, бажонидил кўрсатувчи маҳаллий аҳолининг самимий меҳмондўстлиги ва дўстона муносабатидан бирдек баҳраманд бўлдик, — деб ёзади, жумладан, инглиз журналисти. — Кўҳна Хива шаҳар қалъасида эртакмонанд саройлар, масжид ва ёдгорликлар сероб. Улар ўзининг бетакрор гўзаллиги ҳамда мукаммаллиги билан хорижлик сайёҳларни ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Бу ердаги ҳар бир ёдгорлик бебаҳо қимматга эгадир.

Биз Бухоро сафаридан ҳам катта таассурот олдик. Айниқса, шаҳарнинг шарқона бозорига олиб борадиган йўл бўйлаб сайр қилганимиз сира эсдан чиқмаса керак. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири тут дарахтлари қуршовидаги очиқ ҳовуз — Лаби ҳовуздир.

Биз у ерда анъанавий чорпояларни кўрдик. Уларда кекса кишилар ўтириб шахмат ўйнайдилар, болалар эса дарахт устидан ҳовузга сакраб мазза қилиб чўмилишади. Шаҳарнинг диққаттортар иншоотларидан яна бири сунъий тепаликда жойлашган, бир вақтлари Бухоро ҳукмдорларининг саройи бўлган «Арк» қалъасидир.

Муаллиф Самарқанд бўйлаб саёҳат ҳақида ҳикоя қила туриб эрамиздан олдинги 329 йили Искандар Зулқарнайн айтган деб ривоят қилинадиган қуйидаги сўзларни ёзади: «Тасаввур қилганимдан кўра анча гўзал эканлигини ҳисобга олмаганда мен Самарқанд (у пайтларда Мароқанд деб номланган) ҳақида нимаики эшитган бўлсам уларнинг барчаси ҳақиқатдир».

— Самарқанд, шубҳасиз, сайёҳда энг гўзал туйғуларни жунбушга келтиради, — деб ёзади муаллиф. — Шаҳар марказида жойлашган Регистон майдонида қарор топган учта улкан мадраса ва масжид ўз салобати ва гўзаллиги билан киши ақлини шоширади. Шаҳар чеккасидаги Улуғбек расадхонаси эса Ҳиндистон бўйлаб сафар қилган сайёҳлар учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Расадхонанинг жойлашуви Деҳли ва Жайпурдаги ана шундай иншоотларга ўхшаб кетади. Биз, шунингдек, сукунат қўйнидаги Шоҳи Зинда зиёратидан ҳам роҳат олдик.

Ўзбекистон бўйлаб сафаримиз чоғида бизга анъанавий ўзбек оиласида меҳмон бўлиш ҳам насиб этди. Улар бизни ширин палов ва бошқа миллий таомлар билан меҳмон қилдилар. Умуман олганда, Буюк ипак йўли шаҳарлари бўйлаб сафаримиз давомида ўзимиз учун бир мўъжизавий мамлакатни кашф этдикки, ёрқин ва унутилмас таассуротларимиз бир умр ёдда қолади, — деб ёзади инглиз журналисти.

■ **Мардон ЁҚУБОВ, «Жаҳон» АА Лондон.**

## ИЛМУ ҲУНАР МАСКАНИ

*Собир Раҳимов туманидаги Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида 1250 нафар ўқувчи таълим олади. Коллежда миллий костюм, дурадгорлик ва паркет ишлари, газ таъминоти тизими, жиҳозларни ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича ҳунармандлар тайёрланмоқда. Ўқув хоналари, лабораториялар, машғулот залларига эга масканда ёшларнинг касб-ҳунар сирларини қунт билан эгаллашлари учун барча шарт-шароит мавжуд. Коллежда янги йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Келгусида бу ерда бир неча хил касбларга тайёрлаш бўлимлари очилиши кўзда тутилган.*

✧✧✧

**Суратларда:** коллеж ҳаётидан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ









ЭЪТИРОФ

## КЕНГГА КЕНГ ДУНЁ

*Ўзбекда меҳмон азиз саналади. Уйининг тўри меҳмонга бўшатилиб, шарафига сара ноз-неъматлар дастурхонга тортилади. Ўзбекистон эса ҳар бир юртдош учун муқаддас уй, хонадон. Зеро, меҳмон қадам босган хонадонга ризқ-рўз, қут-барака ҳам бирга киради. Айниқса, юртимиз кўксига истиқлол қуёши теккандан бери умумий уйимиздан меҳмон аримайди. Яхши, холис ва қутлуғ ниятлар билан келганларга ҳамиша қуллуқ қиламиз. Бироқ меҳмонлар орасида қадим юртимизга бошқа ниятда келиб, тирноқ орасидан кир қидирадиганлар ҳам учраб қолаётгани диққат қилади-да, одамни.*

*Яқинда Намангангa азиз меҳмон, халқимиз ва Юртбошимизнинг қадрдони Леонид Левитин ташриф буюрди. Юридик фанлари доктори, профессор, ҳозирда Германияда яшаётган Леонид оға (шундай деса ҳам бўлар) водий томонда униб-ўсган. Вилоят билан икки кун танишди. Янги китобига материаллар тўплаётган экан. Фурсат топиб, биз — журналистлар билан ҳам учрашди.*

*Учрашувда Л.Левитин «Намангандаги ўзгаришлар мени қувонтирди», деди. «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» китобида изҳор этганидек, холис ва самимий мулоҳазаларини билдирди, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ўртага ташлади. Гап орасида яқинда Германияда чиқадиган бир газетада Наманган ҳақида мақола ўқиганини, жумладан, унда диндорлар эътиқоди учун таъқиб қилинаётгани, эски даврдагидек кампаниябозлик мавжуд каби даъволар билдирилганини айтиб қолди.*

*— Бироқ, — деди у, — Наманганда кўп ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдим. Мактаблар, маҳаллалар, диний ташкилотлар, қатор меҳнат жамоаларида бўлганимда баъзи ғарб журналистлари ёзган вазиятни кузатмадим. Аксинча ҳамма ерда ижодий меҳнат ҳукмрон. Кексалар дуо қилишяпти.*

*Эркин фикр алмашувлар, қизғин баҳслар бўляпти-ю, хаёлимда бошқа фикрлар чарх уради. 71 ёшга кирган, ҳаётнинг иссиқ-совуғини, пасту баландини яхши биладиган, дунё миқёсида таниқли, ўз фикрини ҳар ерда исботлай оладиган инсон кўп ҳам оқни қора, қорани оқ демас, ахир! Унда нега айрим журналист ҳамкасбларимиз ташқаридан келиб холис фикр юритмай, фақат ва фақат эътирозли ахборотлар тарқатишга интиладилар?!*

*Масалан, ўша ғарблик қалам «соҳиблари» келиб кўрган Наманганда жаҳон андозалари асосида қурилган 70 дан ортиқ қўшма корхона ишлаб турганини, «Дўстлик», «Паҳлавон» сингари спорт-соғломлаштириш мажмуаларига ўхшашлари яқин атрофда йўқлигини, Наманган шаҳри, вилоят қишлоқлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлигини наҳот илғамадилар?!*

*Айнан Наманган шаҳрининг наинки кундузи, балки тунлари ҳам чароғон эканини, одамлар эмин-эркин, орзулари бир олам яшаётганини, бу лар кишилар чеҳрасидаги мамнунликда балқиб турганини пайқамаганларига ҳайрон қоласан киши.*

*Нега «меҳмон»лар маҳаллий ҳокимият, нодавлат ташкилотлари динга эътиқод қилганларга қулай шарт-шароит яратишганидан кўз юмадилар?! Улар таъбирича, оммавий ахборот воситалари жим эмиш. Наҳотки, журналистлар ислоҳотлар жараёнидаги иллатларни фош этишаётганини назардан қочирадилар?! Ўзбек журналистикасида дунёнинг айрим нашрларига ўхшаб буюртма асосида мақола ёзиш, кимнингдир устига мағзава ағдариш одат эмаслиги ва бу миллий одоб доирасига сиғмаслигини наҳотки ҳанузгача англаб етолмаяптилар?! Яна шу Наманганда вилоят ҳокимининг ўринбосарлари вилоят телевидениеси орқали халқ билан тўғридан-тўғри ошкора мулоқотга чиқаётгани, фуқаролар ҳар қандай масалага оид сўровга мансабдорлардан тегишли жавоб олиши мумкинлигини у жаноблар қаёқдан ҳам билишсин!*

*... Қадим замонда бойўғли паррандалар либосига ранг танлайдиган вазифада экан. Кўп паррандаларга у ёки бу рангни нохуш танлаб, завқ олиб юрган бойўғлига бир куни қарға йўлиқибди. «Оғайни, шошиб турибман, либосимни бўяб қўйгин» деб қарға учиб кетибди. «Хап, сеними» деб юрган бойўғли қарғанинг либосини қоп-қора рангга бўябди. Шундан бери қарға бойўғлини таъқиб қилармиш. Шундан бери бойўғли қарғани кўрса жуфтакни ростлар экан.*

*Бу — японларнинг эртаги. Шуниси ҳам борки, бойўғли ҳали-ҳануз пана-панада, исқирт, одам яшамайдиган вайроналарни ватан тутади...*

*Ноиложки, дунё миқёсида Ўзбекистон нуфузи ортгани сайин, айрим «дўст»ларимизнинг фиғони фалакка чиқяпти. Нима ҳам дердик, жаноблар чиданг, XXI аср Ўзбекистон асридир, деймиз кулиб.*

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЖУРНАЛИСТЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Ёшларни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш жамиятимиз учун устувор вазифа ҳисобланади. Уни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари иштирок этмоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ҳам бу ишга ўз ҳиссасини қўшаётир. «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси «Соғлом авлод» давлат дастурига мувофиқ журналистлар учун миллат генофондини яхшилаш борасида мамлакатда амалга оширилаётган лойиҳа ҳамда дастурларнинг бажарилишини яхши ёритгани, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни тарғиб қилгани учун мукофот таъсис қилди.

«Соғлом авлод учун» жамғармасида танлов ғолибларига мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Танловда «Ўзтелерадиокомпания»нинг «Ўзбекистон» телеканали катта муҳаррири Муҳтарама Улуғова ва «Ёшлар» телеканали режиссёри Илмира Мамажонова биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги — ЎзА бўлим мудири Анна Иванова ва республика телевидениесининг «Ахборот» дастури муҳаррири Замира Муқодировага насиб этди. Учинчи мукофотга «Соғлом авлод учун» журнали бош муҳаррири Муҳаммадали Қўшмоқов сазовор бўлди.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Ойниса Мусурмонова танлов ғолибларини табриклаб, «Соғлом авлод» дастури узоқ муддатга мўлжаллангани ва мамлакатимизда Оналар ва болалар йили якунланган бўлса-да, ҳали кўплаб ишларни амалга ошириш лозимлигини таъкидлади. Бу ишда оммавий ахборот воситалари вакиллари фаол иштирок этиши керак.

■ **(ЎзА)**

## «УНИВЕРСИАДА — 2002»: ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Бухоро вилоят ҳокимлигида «Универсиада-2002» мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу тадбирга алоқадор вазирликлар, ташкилот ва муассасалар, қўмиталар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика кенгаши раҳбарлари, спорт муассасаларини таъмирлашда қатнашаётган қурувчилар, Бухородаги олий ўқув юртлари ректорлари, ҳомийлар иштирок этди.

Йиғилишни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев бошқарди.

Маълумки, истиқлол йилларида маънавий ва жисмоний баркамол авлод тарбияси мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилиб, Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, мактаб ўқувчилари, лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабаларини спорт турларига оммавий жалб этиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари ўтказиш йўлга қўйилди.

Шу йил май ойи охирида Бухорода республика талаба ёшларининг «Универсиада-2002» мусобақалари бўлиб ўтади. Ўзига хос кичик олимпиада номини олган ушбу спорт тантаналарида мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларидан 2 минг 800 нафардан зиёд спортчи иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида ва шахсий ғолиблик учун беллашади. Мусобақаларда Марказий Осиё мамлакатлари ва бошқа хориж давлатлари талабалари ҳам иштирок этиши кутилаётгани тадбирнинг халқаро аҳамият касб этаётганидан далолат.

Ташкилий қўмита аъзолари Бухородаги спорт иншоотлари, олий ўқув юртлари ётоқхоналари ва бошқа иншоотларда олиб борилаётган тайёргарлик ва уларни таъмирлаш билан боғлиқ жараёнларни кўздан кечирди. Мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган марказий «Бухоро» стадионида амалга оширилаётган таъмирлаш, қайта қуриш ишлари билан танишди.

Олий ва ўрта махсус таълими вазири, «Универсиада-2002» мусобақаларини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси С.Ғуломов йиғилишда сўзга чиқиб, талабаларнинг мусобақалардан бўш пайтларида маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари учун алоҳида тадбирлар дастури тузилаётгани ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда, шунингдек, тайёргарлик жараёни билан боғлиқ муаммолар атрофлича таҳлил этилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Ташкилий қўмита йиғилишида Бухоро вилояти ҳокими С.Хусенов қатнашди.

■ **(ЎзА)**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «КАРТОШКА, ПИЁЗ — КЎПАЙГАНИ СОЗ»

*Газетанинг 2001 йил 18 декабрь сонидаги «Картошка, пиёз — кўпайгани соз» сарлавҳали мақола вазирлигимиз мутахассислари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.*

*Кейинги йилларда республикамизнинг шимолий минтақалари, хусусан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида кучли сув танқислиги кузатилмоқда. Бу ҳолат бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари қатори сабзавот, полиз, картошка экинларига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур ҳудудларда нафақат экин майдонлари, балки етиштирилган ҳосил миқдори ҳам камайиб кетди. Жумладан, 2001 йилда Қорақалпоғистон Республикасида жами 1323 гектар майдонга сабзавот экилиб, 8853 тонна ёки ҳар гектардан ўртача 67 центнер, 34 гектарга экилган картошкадан бор-йўғи 51 тонна ҳосил етиштирилди.*

*Сув тақчиллигига қарамасдан республикамиз қишлоқ хўжалик корхоналарида ўтган йилда 33 минг гектарга сабзавот экилиб, 602 минг тонна сабзавот, 8,1 минг гектарда экилган картошкадан қарийб 95 минг тонна ҳосил олинди. Ушбу етиштирилган сабзавот, полиз ҳосилининг қарийб 30 минг тоннаси қиш учун заҳирага қўйилган.*

*Сув танқислигидан азият чекаётган ҳудудлар аҳолисини қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалик, хусусан, сабзавот, картошка маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси билан Сурхондарё, Наманган, Самарқанд вилоятларининг тайёрлов идоралари ўртасида ўзаро манфаатли шартномалар тузилмоқда.*

*Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида сабзавот ва картошка экинларини асосан республиканинг суғориш учун сувлар билан яхши таъминланган жанубий туманларида жойлаштириш, мазкур ҳудуддаги хўжаликларни керакли уруғлик материаллари билан таъминлаш бўйича тадбирлар белгиланмоқда.*

■ **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С. БЕГАЛИЕВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 5 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 353,95 | 10 Люксембург франки | 148,49 |
| 1 Австрия шиллинги | 43,53 | 1 Малайзия ринггити | 182,87 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 984,16 | 1 Германия маркаси | 306,27 |
| 10 Бельгия франки | 148,49 | 1 Польша злотийси | 165,73 |
| 1 Голландия гульдени | 271,82 | 1 СДР | 861,05 |
| 10 Греция драхмаси | 17,58 | 1000 Туркия лираси | 0,53 |
| 1 Дания кронаси | 80,67 | 1 Финляндия маркаси | 100,75 |
| 1 БАА дирхами | 189,18 | 1 Франция франки | 91,32 |
| 1 АҚШ доллари | 694,83 | 1 Швейцария франки | 405,60 |
| 1 Миср фунти | 150,40 | 1 ЕВРО | 599,01 |
| 10 Испания песети | 36,00 | 10 Жанубий Корея вони | 5,30 |
| 100 Италия лираси | 30,94 | 10 Япония иенаси | 52,12 |
| 1 Канада доллари | 436,12 | 1 Россия рубли | 22,65 |
| 1 Хитой юани | 83,95 | 1 Украина гривнаси | 130,58 |

***) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# РАҚОБАТБАРДОШЛИК: ДУНЁ ТАЖРИБАСИ

ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ

Режали иқтисодиётдан фарқли ўлароқ, бозор иқтисодиёти шароитининг бир нечта ўзига хос хусусиятлари бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: турли хил мулк шаклларининг фаолият юритиши; нарх-навонинг талаб ва таклиф қонуниятига асосланиб шаклланиши; давлат бюджетида камомаднинг пайдо бўлиши; ишсизлар армиясининг таркиб топиши; рақобат ва рақобатбардошликнинг қарор топиши ва бошқалар. Фикримизча, санаб ўтилган хусусиятларнинг барчаси ўзаро иқтисодий боғлиқликда ва албатта бири иккинчисини тақозо этиб туриб, бир бутун бозор иқтисодиётини ташкил этади. Ана шу бир бутунликнинг таркибий қисми рақобатбардошликдир.

Иқтисодий категориялар ичида рақобатбардошлик кўп қиррали кўрсаткичлари билан алоҳида ажралиб туради.

Товар рақобатбардошлиги деганда, уларнинг ички ва ташқи бозорда муваффақиятли реализациясини таъминлайдиган яхлит истеъмоллилик, нарх-наво ва сифат кўрсаткичларини белгилаб берувчи хусусиятлар айни шу товарга мазмунан ва шаклан ўхшайдиган товарларни таққослаш орқали аниқлаш мумкин.

Корхонанинг рақобатбардошлиги ўз ўрнида тармоқларнинг рақобатбардош бўлиши учун замин яратиб беради. Ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи, саноат компанияси, савдо фирмаси юридик шахс сифатида ташкил этган вақтдан ва фаолият юриш жараёнида, маҳаллий ва халқаро миқёсда рақобат қилиш муаммосини ҳал этишдек масъул мажбуриятни бажаришга доимий диққат-эътиборини қаратиши шарт. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида барча истеъмол бозорлари у ёки бу кўринишда корхоналар томонидан забт этилган. У бозорда муваффақиятга эришиш учун, албатта, рақобатбардош ва истеъмолчи учун замонавий, ноанъанавий товар ва маҳсулотларни тақдим этишни тақозо этади. Акс ҳолда, қисқа вақт мобайнида банкротга учраб корхона ишчи-хизматчиларининг ишсизлар сафига қўшилишига имкон туғдиради.

Хўжалик субъектининг халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш маҳаллий бозорда шаклланган тартиб-қоидалардан қисман фарқ қилади, асосий тафовут жаҳон бозорида вужудга келган тартиб-қоидалар ва сарф-харажатларда. Халқаро бозорда юксак муваффақиятга эришиш учун корхоналар қуйидаги устувор рақобат кўрсаткичларига асосий эътиборини қаратишлари керак:

✓ ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг рентабеллик даражаси;

✓ жорий фаолиятда ва истиқболда корхона инновацион фаолиятининг хусусиятларини аниқлаб олиш;

✓ меҳнат унумдорлиги даражаси;

✓ фирманинг стратегик режалаштириш ва бошқариш самарадорлигини кўтариш;

✓ бозордаги талаб, вазият ва шароитларнинг тез ўзгаришларга қисқа вақтда ва тўлалигича мослаша олиш.

Корхонада устувор рақобат кўрсаткичлар кўлами қанчалик кўп бўлса, шунчалик сифат кўрсаткичлари юқори бўлади, натижада маҳаллий ва қолаверса, дунё бозорида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлиши билан бир қаторда муайян бозорнинг алоҳида бўғинларида барқарор қўнимга эга бўлади.

Дунёда таркиб топган халқаро меҳнат тақсимоти айрим мамлакатларнинг ихтисослашишига туртки бўлди. Натижада мамлакатлар ўртасида у ёки бу кўринишдаги тармоқлар рақобатбардошлигини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирларини амалга оширишга реал имконият туғилди. Масалан, тармоқларнинг ихтисослашиши бўйича АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар иқтисодига назар солсак, қуйидаги манзарани кўрамиз. АҚШ юксак рақобатбардош тармоқлар таркибига авиация, аэрокоинот, ноёб машина қурилиши, автомобиль саноати, компьютер ва информацион технологиялар ишлаб чиқариш киради. Япония мамлакатида эса электрон ва электротехника, автомобиль, кемасозлик ва станок қурилиши рақобатбардош тармоқлардир. Германияда автомобилсозлик, ёғочсозлик. Туркияда енгил саноат ва тўқимачилик тармоқлари кенг рақобатбардош тармоқлар таркибига киради. Осиёнинг янги индустриал давлатларидан Жанубий Корея, Тайбей, Сянган, Сингапур, Малайзия ҳам Япония ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан бемалол рақобат қила олмоқда. Аммо бир вақтнинг ўзида Хитой Халқ Республикаси нарх жиҳатдан устуворликка эга бўлган рақобатбардош тармоқ маҳсулотлари бўйича салоҳиятли ўринни олмоқда.

Дунё иқтисодий форумининг маълумотларига қараганда, жаҳонда 20 та энг рақобатбардош давлатлар таркиби аниқланиб, уларнинг биринчи бешлиги ва сўнгги бешлигидан қуйидаги мамлакатлар жой олган: АҚШ (1); Сингапур (2); Сянган (3); Япония (4) ва Дания (5); Австрия (16); Бельгия (17); Тайбей (18); Буюк Британия (19) ва Франция (20).

Республикамиздаги товарлар бўйича рақобатбардошликни таҳлил қиладиган бўлсак, маҳаллий товарларга нисбатан (қўшма корхоналарнинг айрим товарларини инобатга олмаганда) ҳали-ҳануз хорижий товарлар рақобатбардошлиги устун турмоқда. Фикримизча, дастлаб товарлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлайдиган чора-тадбирларнинг кўриниши лозим. Шунда қисман бўлса-да айрим товарларнинг нафақат маҳаллий бозорда, балки дунё бозорида ҳам рақобатбардошлигини таъминлашга қисқа вақтларда эришган бўлар эдик.

Рақобатбардошликни фирмалараро ташкил этиш ва ривожлантириш борасида илк бор хорижий инвестицияли корхоналар рақобатбардошлигини Марказий Осиё минтақаси доирасида тажриба сифатида синаб кўриш лозим. Сўнгра дунё бозорига чиқишни таъминлашга киришиш мақсадга мувофиқ бўлади. Корхоналар дунё бозорида ўрин олиш учун, албатта, биринчи навбатда корхонанинг маркетинг стратегияси билан бир қаторда давлатнинг ҳам ёрдами зарур бўлади. Мамлакатимизда таркиб топган илмий потенциал ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари бундай тадбирларни яқин орада амалга ошириш учун етарлича имконият туғдиради.

Рақобат ва рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш натижасида нафақат ишлаб чиқарувчилар, балки энг аввал истеъмолчилар наф кўрадилар, жумладан, харид ва истеъмол қилаётган товарларнинг сифати кескин яхшиланади; товар ва маҳсулотларнинг нархи пасаяди; истеъмолчилар учун товарларни танлаш имконияти туғилади ва ниҳоят, товарларнинг ассортименти тез-тез ўзгариб туради. Корхоналарнинг рақобатбардошлигини ташкил этиш юқори малакали касбий маҳоратга ва илмий салоҳиятга эга бўлган ишчи-хизматчилар ҳеч қачон ишсиз бўлмаслигига замин яратади.

Аминмизки, ҳозирги кунда ҳукуматимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва маркетинг тадқиқотлари яқин вақтларда ривожланган мамлакатлар каби рақобатбардошликнинг барча қирраларида ўз натижасини беради.

■ Зокир ОРИПОВ

## 2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

**ЖИЗЗАХ.**

*Вилоятдаги қишлоқ ва қишлоқча, аҳоли пунктларида кўча оқсоқоллари штати жорий этилди.*

*— Туманимиз ҳудудида шартли равишда 153 нафар кўча оқсоқоллари сайланди. Фуқаролар билан маҳаллий ҳокимият, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатни янада яхшилаш, жойларда тартиб-интизом, осойишталик, тозалик ва ободончиликни таъминлаш, ёшларимизни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда улардан умидимиз катта, — дейди Дўстлик тумани ҳокими муовини Азимқул Ғаппоров.*

*Шундай қилиб вилоятда 1963 нафар кўча оқсоқоллари иш бошлади. Уларнинг ҳар бирига маҳаллий бюджет ҳисобидан кўча, қишлоқча ва аҳоли пунктидаги хонадонлар сонига қараб мамлакатимизда белгиланган энг кам иш ҳақининг 2-3 баробари миқдорида ойлик маош белгиланди.*

■ Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.**

*«Қариси бор уйнинг париси бор» деганлари рост. Боиси, отахону онахонларимизнинг ҳар бир сўзи ҳикмат. Уларнинг маслаҳатларига қулоқ солиб, амал қилган кам бўлмас. «Шуманайтутинув» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти ҳам қарияларни қадрлашни жойига қўймоқда. Қарияларга яхшироқ савдо хизмати кўрсатиш мақсадида туман марказида «Нуроний» дўкони очилди. Дўконда озиқ-овқат, саноат моллари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар билан кексаларга хизмат кўрсатилмоқда.*

■ Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

**НАВОИЙ.**

*Конимех туманидаги Абай номли ширкат хўжалиги марказий қўрғони — «Боймурод»да қариялар чойхонаси қуриб, фойдаланишга топширилди. «Қарияларни қадрлаш йилида»ги бу қулайликдан боймуродлик кексалар беҳад мамнун. Нурота мармаридан сайқал берилган ҳамда шарқона стол-стул ва кароватларга эга бўлган бу чойхонада ҳамма шарт-шароитлар мавжуд.*

*— Бу каби қариялар чойхонасини ширкат хўжалигининг бошқа ҳудудларида ҳам ташкил этмоқчимиз, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Мустафо Эгамқулов. — Бундан ташқари, аксарият хўжаликда узоқ ишлаган, қоракўлчилик ривожига муносиб ҳисса қўшган мўйсафидлар номини абадийлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.*

■ Музаффар ШАРОПОВ

САЪЙ-ҲАРАКАТ

# ҚЎҚОНДАГИ «ТОЖМАҲАЛ»

Тарихдан маълумки, Бобур Мирзо авлоди бўлмиш Шоҳжаҳон севгилиси — Мумтоз бегимга бўлган садоқатини унга атаб ажойиб муҳаббат қасри қурдириш билан исбот этган. Етти мўъжизанинг бири — Ҳиндистондаги Тожмаҳал мақбараси 18 йилда қуриб битказилган... Қўқонлик моҳир тадбиркор Азизахон Абдуллаева эса умр йўлдоши Нуриллахон ҳожи Абдуллаев орзу қилган «Тожмаҳал» тўйхонасини уч ярим ойда битказиб, унинг руҳини беҳад шод айлади.

Нуриллахон ака 15 сотих қаровсиз қолган ерни сотиб олган, шу ерда шинам тўйхона қураман, кўриниши ўша мангу обида Тожмаҳалга ўхшаса, номи ҳам «Тожмаҳал» бўлса, халқимизнинг яхши кунларига хизмат қилса, деб режалаштириб қўйган эди... Мана тўрт йилдан бери ҳожи аканинг тадбиркорлик ишларини давом эттираётган Азизахон 2001 йил ёзида енг шимариб, қурилишни бошлаб юборди. Моҳир усталарни чорлаб, энг сифатли қурилиш ашёларини топтириб, бир қаватли шинам, қулай, 600 ўринли тўйхона барпо этди.

Тўйхонанинг алоҳида-алоҳида қурилган хосхоналари ўзгача чирой билан безатилган. Масалан, бирига гиламлар тўшалиб, бахмал кўрпачалар ёзилган, хонтахталар қўйилган, гўзал дарпардалар тутилган. Бу ерда пар ёстиқларга суяниб, истаган миллий таомни буюриб, яқин дўстлар дам олиб, ҳордиқ чиқариши мумкин. Яна бир хосхона қуда-қудағайларга мўлжалланган. Юбилейлар, турли кечалар ўтказишга ҳам мос хоналар бор.

— Ҳожи ака билан ўттиз йил бирга, аҳил умр кечирган бўлсам, мен у кишидан ўзим сезмаган ҳолда ҳаёт мактабини, тадбиркорлик санъатини озми-кўпми ўрганиб юрган эканман, — дейди Азизахон. — Америкага, Ҳиндистону Покистонга, араб мамлакатларига саёҳатларга бирга олиб борганлар. Биз у ерларда фақат саёҳатчи-томошабин бўлиб юрмадик. Ҳожи ака катта мулк эгалари, тадбиркорлар, моҳир савдогарлар, банк раҳбарлари билан учрашиб, уларнинг иш юритиш санъатини ўргандилар. Ёнларида бўлиб, барча гапларни қулоғимга қуйиб, кўрганларимни хотирамга жойлаган эканман. Мана, барчаси зое кетмади...

— Албатта, бу кишининг бевақт ўлими мен учун қаттиқ зарба, аччиқ айрилиқ бўлди, — дея давом этади Азизахон. — Лекин мен «олма пиш, оғзимга туш», деб тушкунликка берилиб ўтирмадим. Ўзимни қўлга олиб, барча юмушларни давом эттиришга киришдим. Бир умр мактабда ўқитувчилик қилган эсам-да, юқорида айтганимдек, ҳожи аканинг иш тутуми менга бебаҳо мерос бўлиб қолган экан. Мана шу «Тожмаҳал»ни қуриш ҳам жуда катта меҳнат, маҳорат, машаққат талаб қилди. Лекин ҳожи аканинг руҳлари ҳамиша мадад, куч-ғайрат бериб турди.

Шукр, келиб кўрганлар раҳмат айтишяпти. Мана энди ҳаётлари давомида кўп дўст орттирган ҳожи аканинг барча ёру биродарларини шу камтарин кошонада кутиб олиш имконига эгамиз.

Гўзал Бибихоним каби ақлу фаросатли, юксак дидли аёл, Фарғона вилояти тадбиркорлар уюшмаси аъзоси Азизахон Абдуллаева ҳар куни яратиш, яшнатиш, бозор иқтисоди талабларига «лаббай», деб жавоб бериш ишқида ёниб яшайди.

■ Санъат МАҲМУДОВА





**Китоб тумани меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш борасида самарали фаолият юритишяпти. Ўтган йилнинг ўзида икки минг нафардан ошиқ фуқаро ишга жойлаштирилди. Юз нафардан кўпроқ қизлар каштачилик, зардўзлик, тикиш ва бичиш бўйича уста-шогирд усулида қайта ўқитилди.**

**Бу каби ишларнинг амалга оширилишида жойларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг ҳам ҳиссаси бор. Якка тартибдаги тадбиркор Райҳон Ғофурова кўпдан буён зардўзлик билан шуғулланиб келади ва талай ёшларнинг устози ҳисобланади.**

✧✧✧

Суратларда: 1) Бўш иш ўринлари ярмаркасида. 2) Тадбиркор Р.Ғафурова шогирди билан.

■ Абдурасул ПАРДА олган суратлар

# ОЗОД ЭЛ МАДҲИ

Марказий офицерлар маданият саройида Қуролли Кучларнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ватан ҳимоясида» танлови ғолибларини мукофотлаш маросими байрамона тус олди. Тадбирга таниқли давлат ва жамоат арбоблари, ҳарбийлашган ўқув юртлари курсантлари, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ташриф буюришди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов танлов ғолибларини қутлар экан, уларнинг меҳнатлари эвазига яратилган санъат ва ижро намуналари озод элимизнинг эртасига бўлган ишончи, Ватан посбонларининг матонат ва жасоратларини улуғлаши билан аҳамиятли эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг барча йўналишлар бўйича ғолиб деб топилганларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Жумладан, адабиёт йўналиши бўйича Бобокалон Рўзиев «Албатта генерал бўласан» романи, Ҳусниддин Шарипов «Ватан таянчлари» шеърий тўплами учун, театр ва кино санъати бўйича Юсуф Розиқов ва Шавкат Маҳбубовлар «Сардор», «Остона» фильмлари учун, мусиқа йўналиши бўйича Авазбек Маллабоев ва Ҳабибулла Раҳимовлар ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлар туркуми ҳамда «Ватанпарвар» ташкилотидаги намунали фаолияти учун Абдуғани Абдуқаҳҳоровлар тақдирландилар.

■ Матназар ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҚОРА ҚИЛМИШ

# СИРЛИ МОЙЖУВОЗ

*Қаерлардандир қўлбола ускуна топган Муҳаммад Саматов ҳовлисида мойжувоз қуриб олди. Электр қуввати билан ишлайдиган мойжувоз синовдан яхши ўтди, озгина чигитдан анчагина ёғ ва кунжара чиқарса бўларкан. Муҳаммад кафтларини бир-бирига ишқалар экан, ўзига ўзи мақтана бошлади:*

*— Ана тадбиркорлигу мана тадбиркорлик! Мен анави бозордаги «бизнес»чиларга ўхшаб елиб-югурмайман. Ҳовлимда туриб пул топаман, озгина фурсатда бу атрофда аканг қарағайдан бой одам бўлмайди, ҳали кўрасизлар, жарақ-жарақ пуллар, яп-янги машиналар, эҳ-ҳей, бу замоннинг бойи бўламан!..*

*Ана шу ўйлар билан яширин мойжувозни ишлата бошлаган Муҳаммад хомашё топиш йўлларини ҳам билиб олди. Тўғри, бу қалтисроқ масала. Чунки, пахта чигити давлат монополияси бўлиб, ундан жисмоний шахслар хомашё сифатида фойдаланишига қонун йўл қўймайди. Лекин пахтани қайта ишлаш корхоналарида қонунга ҳам чап берадиган кимсалар бўлса, бу иш осонгина ҳал бўларкан, яъни «сиздан угина, биздан бугина»...*

*Муҳаммад Саматов «Қумқўрғон пахта» очиқ турдаги акциядорлик жамиятидан шундай «ҳожатбарор»ларни топди. Яна ундоқ-бундоқ эмас, нақ раис муовини бўлиб ишлайдиган И.Тоғайназаровни-я! Муовин тушмагур ҳам пул деса ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан экан, Муҳаммад узатган 480 минг сўмни қуртдай санаб олди-ю, 3 тонна чигитни корхона ҳудудидан чиқариб берди.*

*Ана шундан сўнг Муҳаммадбой ҳеч бир рухсатномасиз қурилган пинҳоний жувозини гумбирлатиб ишлатиб юборди. Мойнинг сифати-ю хомашёни қонунга хилоф равишда олганлиги уни қизиқтирмас, фақат тезроқ Қумқўрғонда «манман» деган бойлардан бўлиш истагида елиб-югурди. Афсус, қинғир истак билан ҳеч ким муродига етолмайди. Бу қонунбузар «тадбиркор»нинг ҳам хаёлий орзулари чилпарчин бўлди. Кирдикорлари фош бўлган М.Саматов яширин мойжувози учун хомашёни кимдан олганлиги тўғрисида «сайради». Бошлиқ муовини И.Тоғайназаров ҳам ўз корхонасига, ўз жамоасига иснод келтиргувчи нопокликка қўл урганлигини тан олди.*

*Айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, «Қумқўрғон пахта» ОТАЖда ҳужжат тафтиш тайинланган эди. Натижада бир қонунсиз мойжувоз баҳонасида катта корхонанинг кўп сирлари ошкор бўлди. Корхонанинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан 7,2 миллион сўм пинҳон тутилганлиги аниқланди ва 100 фоиз миқдорида молиявий жарима қўлланилиб, жами 14,4 миллион сўм давлат бюджетига ундириб олинди. Ўтказилган тафтиш натижасида Бойқулов Хушбоқ жавобгарлигида чигитдан 26 тонна камомад аниқланди. Корхонанинг бир гуруҳ мансабдор шахслари устидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари давом этмоқда.*

*Маълумки, Сурхондарё вилоятида ягона бўлган ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган «Сурхонозиқовқатсаноат» корхонаси Денов туманида жойлашган. Аммо яширин мойжувозлари бор шахслар шу туманда ҳам мавжудлиги аниқланди. Масалан, фуқаро Саидов Мавлон Ҳусанович ҳовлисида ноқонуний тарзда ёғ ишлаб чиқараётганлиги фош этилди. Яширин мойжувоз жойлашган ҳовлида 100 килограмм чигит ёғи, 800 килограмм чигит, 3 дона мойжувоз ускунаси ва бошқа ашёвий далиллар рўйхатга олинди. Мой хомашёси — чигитни қаердан олганлиги сўралганда Саидов Мавлон:*

*— «Денов пахта» ОТАЖ корхонасидан ўғирланган 2000 килограмм чигитни номаълум кимсалардан 200 минг сўмга сотиб олдим. Ишлаб чиқарган ёғимнинг ҳар литрини 700 сўмдан сотмоқдаман, — деб айтди.*

*Қаранг-а, Денов пахта тозалаш корхонаси бедарвоза экан-да, ҳар ким чигитни олиб чиқиб сотаверса?..*

*Худди шунингдек, Ангор туманидаги Янгитурмуш маҳалласида яшовчи фуқаро Рустам Ботиров ҳам ноқонуний мойжувоз ишлатиб, «босар-тусари»ни билмай қолган ва тадбиркорлик тўғрисидаги қонунларни назар-писанд қилмасдан, яширин йўллар билан чигит олиб, мой ва кунжара ишлаб чиқараверган. Текширишда унинг яширин «корхонаси»дан 2300 килограмм чигит, 175 килограмм кунжара чиқди: Маълум бўлишича, Ангор пахта тозалаш корхонасидан Денов «Озиқовқатсаноат» АЖ корхонасига чигит ташувчи 157-автокорхона ҳайдовчиси Равшан Муроталиев уни чигит билан таъминлаб турган. Бунинг эвазига эса ҳар тонна чигит учун 100 минг сўмдан, жами 300 минг сўм пул олган.*

*Нафс балосига дучор бўлиб, давлатга тегишли хомашёни шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб олган кимсаларнинг кирдикорларини фош этувчи бундай мисоллар анчагина. Бизнингча, пахта тозалаш саноати тизимидаги корхоналарда тартиб-интизом йўлга қўйилиб, қонун устуворлиги таъминланса, ноқонуний қўлбола мойжувозлар ҳам ўз-ўзидан барҳам топарди.*

*Аввало мазкур корхона раҳбарлари, мутахассислари инсоф ва диёнатга хилоф иш тутиш, умумхалқ манфаатига зиён етказиш сўзсиз фош этилишини, айбдорларга эса жазо муқаррарлигини билишлари керак, деб ўйлаймиз.*

■ Илҳом НЕГМАТОВ, Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси, Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири

## «Ўзсаноатқурилишбанк»:

# МИЖОЗЛАРГА ЗАМОНАВИЙ ҚУЛАЙЛИК

Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки республикамизнинг энг йирик банкларидан биридир. Фаолияти ҳам шиорига яраша — «Аълолар ичра аъло бўлиш». Зеро, «Ўзсаноатқурилишбанк» иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўлган ёнилғи-энергетика, кимё, машинасозлик ва қурилиш мажмуалари ривожланишига самарали хизмат қилаётир.

Замонавий шароитларда, универсал банк ҳисобланган, очиқ турдаги акциядорлик жамияти бўлган «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимизда кичик ва ўрта тадбиркорликнинг қарор топиши, республикамиз иқтисодиётига хорижий сармояларни жалб этиш жараёнларида фаол иштирок этиб келаётир. Айни чоғда, банк ўз тўлов тизимини такомиллаштиришга, замонавий банк технологияларини қўллаш, шунингдек, пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар қилиш эвазига нақдсиз ҳисоб-китобларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор бермоқда.

Банк хизматларининг янги турларини жорий этиш давом этаяпти. Тошкент шаҳридаги 12-сон ёнилғи қуйиш шаҳобчасида электрон пластик карточкалар асосида лимитланган ёнилғи-мойлаш материалларини автоматлаштирилган тарзда сотиш тизими муваффақиятли ишламоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 542-сонли «Нефть маҳсулотларини, суюлтирилган ва сиқилган газни сотиш тизимини тартибга солиш, улардан ва автотранспорт воситаларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарори асосида банк томонидан «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компаниясига ушбу лойиҳани республиканинг бошқа ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида қўллаш таклиф этилди. Натижада ёнилғига бўлган талонлардан, шунингдек, ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида автотранспорт корхоналарига ёнилғи берилган чоғда қайдномалар тузишдан воз кечиш имконияти туғилди.

Жорий этилган хизмат кўрсатиш автотранспорт эгаларига ҳам, карточкалар бўйича хизмат кўрсатаётган АЁҚШ ходимларига ҳам жуда қулай бўлди. АЁҚШда ўрнатилган мажмуада нефть маҳсулотлари автоматик тарзда ҳисобга олиб борилади, бу эса кам қуйиш ва ўғирлик ҳолатларига йўл қўймайди. Автотранспорт воситалари эгалари учун яна бир қулайлик томони шундаки, лимитланган ёнилғидан ижозатсиз фойдаланишнинг олди олинди. Пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатувчи АЁҚШнинг кундалик айланмаси ўртача 2 млн. сўмни ташкил этмоқда.

Банк ўтган йилдан бошлаб жисмоний шахслар учун ҳам пластик карточкаларни чиқара бошлади. Иш ҳақи лойиҳалари жорий этилиб, банкнинг ўзида, Бухоро минтақасидаги барча филиалларда ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида, шунингдек, Тошкент шаҳридаги етти филиалда, Фарғона, Андижон ва Наманган минтақавий филиалларида нақд пулни бериш пунктлари ташкил этилди. Чиқарилган карточкаларнинг жами сони 6 мингтадан иборат.

Бир ярим мингдан ортиқ киши меҳнат қилаётган республикамизнинг энг йирик корхоналаридан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи мутахассислари ўз иш ҳақларини пластик карточкалар бўйича олмоқдалар.

Ходимларга хизмат кўрсатишда қулайлик бўлиши учун корхонада банкомат (механик кассир) ўрнатилган. Замонавий хизмат кўрсатиш тизимининг жорий этилиши натижасида иш ҳақи учун нақд пул етишмаслиги, қисқаси, нақд пул билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди. Энди карточкалар соҳибларига пул маблағлари қолдиғини банк ҳисоб варақларида сақлаш манфаатли бўлиб қолди. Зеро, уларда банкка биринчи мурожаат этишдаёқ нақд пулни ёзилган юқори фоизлар билан биргаликда олишларига ишонч туғилди. Шунингдек, банк мижозларида пластик карточкалар воситасида коммунал хизматлар ва бошқа тўловларни банкнинг омонат кассаларида тўлаш имконияти туғилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкаларининг соҳиблари банк омонат кассаларида ўрнатилган махсус терминал қурилмасида ўз карточкаларини тўлдириб боришлари ва нақд маблағни олишлари мумкин. Омонат кассаларининг тармоғи эса доимо кенгайиб бораётир. Ҳозир тармоқда 159 та омонат кассаси мавжуд. «Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан «Карвон бозори»да мижозларга хизмат кўрсатиш пунктларини ташкил этиш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. «Ўзсаноатқурилишбанк» пластик карточкалари бўйича хизмат кўрсатиш учун савдо-сервис пунктларини ташкил этиш нақд маблағлар айланмасини, шунингдек, нақд пулнинг минтақалар ўртасида кўчиб юришини ва хусусий секторда нақд пулнинг тўпланиб қолишини камайтиради, маблағлар айланиши эса банк тизими орқали ўтади. Мазкур йўналишда «Ўзсаноатқурилишбанк» ходимлари «Карвон-банк»даги ҳамкасблари билан яқин ҳамкорликда фаол иш олиб боришмоқда.

Ҳозирги кунда 600 дан ортиқ юридик шахс банкнинг карточка хизматларидан фойдаланмоқда. Юридик шахслар учун 2500 дан ортиқ, жисмоний шахслар учун 3000 дан ортиқ карточкалар чиқарилди.

Мижозлар учун карточкаларни олишдаги энг катта қулайлик шундаки, уларни чиқариш билан боғлиқ барча харажатларни банк ўз зиммасига олганлигидир. Бундан ташқари банк қолдиқлар бўйича йиллик 30 фоиз тўлайди, бунда фоизлар ҳар ойда капиталлаштирилиб борилади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» халқаро карточкаларни чиқариш учун Visa International, EvroPay, MasterGard халқаро тўлов ассоциациясига аъзо бўлиш масаласи устида ишламоқда. Мазкур тўлов тизимлари пластик карточкалар бўйича хизмат кўрсатишнинг кенг тармоғига эга эканлиги ҳисобга олинса, унда «Ўзсаноатқурилишбанк» халқаро карточкаларининг соҳиблари ҳам жаҳоннинг исталган нуқтасида ўз карточкаларидан фойдалана олишлари мумкин бўлади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» мижозлари нақд пул билан боғлиқ бўлган хизматлар бўйича кенг имкониятга эга.

«Ўзсаноатқурилишбанк»да жорий этилган ва Марказий банк томонидан маъқулланган Франция BULL S.A. компаниясининг карточка технологияси тижорат банкларига фойдаланиш учун тавсия этилди. Ушбу технологиялар қатор афзалликларга эга. Мисол учун, у халқаро тўлов ташкилотлари томонидан сертификатланган. Янги технология «Ўзсаноатқурилишбанк»ка халқаро намунадаги карточкаларни чиқариш, шунингдек, барча турдаги карточкаларга хизмат кўрсатишга имкон беради. Ушбу тизимнинг яна бир муҳим афзаллиги, унинг мультивалютлилиги ва кўп кармонлиги ҳисобланади. Бунда ҳисоб варақлари хоҳ битта, хоҳ турли валюталарда бўлиши мумкин. Бу эса шундан далолат берадики, сўм ва валюта ҳисобли карточкаларга эга бўлган мижоз республикамизнинг бутун ҳудудида хизматлар учун сўмда, унинг ташқарисида эса валютада тўлаши, айни кезда ҳар бир ҳисоб варағи бўйича йиллик фоиз олиши мумкин. Мазкур тизимнинг яна бир афзаллиги, у дебит ва кредит карточкаларини чиқаришга имкон беради. Кредит карточкаси бўлган мижоз ундан ҳатто ҳисоб варағида маблағи қолмаган чоғда ҳам фойдаланиши мумкин. Зеро, банк томонидан ана шу мижоз учун кредит линияси очилади.

Хуллас, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси, шунингдек, мамлакат меҳмонлари «Ўзсаноатқурилишбанк»да хизматларнинг замонавий туридан фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

■ **«Ўзсаноатқурилишбанк» матбуот хизмати**

# ФУҚАРО ФАОЛЛИГИ ЖАМИЯТ РАВНАҚИДИР

**Хоразм вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди раиси Отабой Дўсчонов билан суҳбат инсон ва жамият муносабати хусусида бўлди**

— Президент Ислом Каримов истиқлолимизнинг илк босқичидаёқ «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт» шиорини ўртага ташлагани бежиз эмас. Юқоридагилардан аёнки, баркамол авлод тарбиясининг биринчи босқичини давлатнинг ўзи бош-қош бўлиб амалга оширади. Бу босқич шартли равишда ёшларнинг муайян касб-кор ёки ихтисосликка эга бўлиши ва оила қуришигача давом этади. Ушбу паллагача «Жамият — инсонга» шиори кун тартибида туради.

Ундан кейин бутун давр мобайнида эса «Инсон — жамиятга» шиори амал қилади. «Инсон — жамиятга» шиорининг пайдо бўлиши тарбия поёнига етганини англатмайди, балки у бир босқичдан иккинчисига ўтилганини билдиради. Бу давргача баркамол инсон тарбияси жамият томонидан ўтилган бўлса, кейинги бир умрлик босқичда инсон асосан ўзини ўзи тарбиялаб, комиллик сари интилади. Комиллик сари интилиш умрнинг энг охирги дақиқасигача бетўхтов давом этмоғи даркор. Акс ҳолда шахс ва жамият равнақи йўлида тўсиқлар пайдо бўлиши ҳеч гапмас.

Демакки, инсон ҳаёти интилиш, изланиш ва курашлардан иборат бўлиб қолаверади. Ўз ҳаётини ана шуларсиз ўтказган инсоннинг умрига разм солсангиз, унинг жамиятга берганидан кўра олганига кўпроқ гувоҳ бўласиз. Комил инсонлар жамиятга ҳамиша олганидан кўра кўпроқ беришади.

**— Ўтган асрнинг 80-йилларида Москвадан келган бир гуруҳ «десантчи»лар Ўзбекистонда «қама-қама», «йўқот-йўқот» «ҳашари»ни бошлаб юборишган эди. Эшитишимизча, ўша пайтда ҳуқуқий идораларнинг кўп ходимлари ҳам «десантчи»лар ҳуружига рўбару бўлишган экан.**

— Ўша кезлари ўзбекистонликлар бошига тушган ғавғо-маломатлар, туҳматлардан ҳатто каминанинг ўзи ҳам четда қолганмас. У пайтлар прокуратура соҳасида баҳоли қудрат ишлардим. «Десантчи»лар «ташрифи»дан сўнг барча соҳалардагидек прокуратурада ҳам ишлар чаппасига кета бошлади. Халқимизнинг чуқур инсонийлик фазилатларини идрок этишдан ожиз бўлган ўша «муносиб» раҳбар прокуратурада фаолиятини бошлаган сал фурсатдаёқ маҳаллий кадрларнинг аксарияти билан орани очиқ қилиб олди.

Ўшанда камина билан биргаликда муътабар қонун назорати идораларидаги лавозимларини тарк этганлар орасида мамлакатимизнинг юксак обрў-эътиборли бир гуруҳ ҳуқуқшунослари — ҳамкасбларим ҳам борлигини эсласам иқтидорли кадрларга нисбатан қўлланилган «сиёсат»дан ачиниб кетаман ва тарих хилхонасига улоқтирган жамият «устунлари»нинг ҳақиқий башарасини кўраман.

Халқимизда «Кесилган терак тез ўсади», деган ажойиб нақл бор. Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ўзининг муқаддам эгилган, букилган қаддини тез ростлаб олаяпти. Бу ҳолат эрк ва эркинликлар ҳукмрон муҳитдагина юз беради. Равнақ суръатига эса албатта имкон бор жойдагина эришилади. Эзгулик томон очилган йўл ана шу имконларнинг энг муҳими десак янглишмаймиз. Яхши ишларнинг бошида, албатта, комил инсонлар туришади. Уларнинг сафи қанчалик тез ортса, эзгуликлар, демакким, тараққиёт суръатлари ҳам шу қадар тезлашади.

**— Жамият ва инсон ўртасидаги муносабатлар узоқ тарихга эга. Маълумки, инсон қанча тарбияли бўлса жамият шу қадар равнақ топади. Ўз навбатида жамият ривожи фуқароларга яратилган эркинликларга боғлиқ.**

— Ўзбекистон комил инсонлар мамлакатига айланиши учун диёримизда жуда кенг қамровли тадбирлар рўёбга чиқарилаяпти. Комил инсонлар авваламбор иқтидор ва истеъдод эгалари орасидан етишиб чиқмоқда. Мамлакатимизда истиқболимизни ўз эгалари қўлига топшириш учун салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, ҳатто ёшларнинг бир қисми ўқиш-ўрганиш ва ҳаёт тажрибасини тўплаш учун жаҳоннинг илғор мамлакатларига йўлланаётгани, ҳукумат ва бошқа тегишли идоралар бу йўлда на маблағ, на бошқа имконларни аямаётганини яхши биламиз.

Илғор замондошларимиз изидан интилганлар, шубҳасиз, комилликка эришадилар. Эзгуликлар бисёр жойда жаҳолатга ўрин қолмайди. Бас шундай экан, ҳаётимиз соф ва мусаффо бўлмоғи учун ҳар биримиз астойдил жон куйдирсаккина эзгу ниятларимиз ижобатини топади. Бу масалада кишини умидбахшликка етакловчи омиллар анчагина. Хусусан, комил инсон тарбияси учун давлатнинг ўзи ғамхўрлик қилаяпти. Шахснинг ҳар томонлама камолга етиши учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Истиқлол йилларида яратилган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг бари инсон омилини, унинг эрки, ҳуқуқи, маънавий дунёсининг бойишини кафолатлайди.

Аждодларимиз анъаналари ва қадриятларининг қайта тиклангани ҳам маънавий баркамоллигимиз гарови. Бу ёғи энди ўзимизга боғлиқ. Зеро, инсоний фазилатларни намоён этадиган дориламон замонда яшаётганимиз Яратганнинг бизга улкан инъомидир.

■ **Суҳбатдош: Абдулла СОБИРОВ**

## ЯНГИ КОДЕКС

Россияда 1 февралдан бошлаб янги Меҳнат Кодекси кучга кирди.

Ушбу Кодексни парламент ўтган йилнинг декабрида узоқ тортишувлардан сўнг қабул қилган эди.

Кейинги 10 йилда бозор иқтисодиёти, хусусий мулкчилик, қимматбаҳо қоғозлар каби турли ижтимоий муносабатлар шаклланди, меҳнатга оид ҳуқуқий ҳаракатлар тубдан ўзгарди. Шунга қарамасдан, ҳали-ҳануз мамлакатда 1971 йилда қабул қилинган «Меҳнат тўғрисида»ги қонун асосида иш юритилиб келинар-



ди. Умуман, Россия қонунчилигига эътибор берадиган бўлсак, собиқ СССР давридан қолган кўплаб ана шундай қонун ҳужжатлари амалда ўз кучини сақлаб келаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Янги Кодексга келадиган бўлсак, ушбу ҳужжат тасдиқлангунича бир неча йиллик баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Лойиҳага шахсан Президент Путин ҳам жиддий эътибор берганлиги кодекснинг мамлакат ижтимоий ҳаётида қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Кодексда меҳнат бозорининг самарали амал қилиши, меҳнат хавфсизлиги, ходимларнинг меҳнатдаги ҳуқуқлари ва соғлиғининг ҳимоя қилиниши асосида аҳоли моддий ва маданий турмуш даражасини таъминлашга эътибор берилган.

## ҚЎШИМЧА ЁРДАМ

Афғонистонга 75 нафар Канада ҳарбийлари келтирилди. Улар бу ерда тинчликпарвар кучлар миссиясида иштирок этишади.




## МЕКСИКА ПРЕЗИДЕНТИ ТАШРИФИ

Мексика Президенти Висенте Фокс расмий ташриф билан Кубага келди. У Куба раҳбари Фидел Кастро билан учрашиб, минтақавий хавфсизлик, Колумбия, Венесуэла ва Аргентинадаги вазият ҳамда икки томонлама алоқалар билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди. Музокаралар якунида имзоланган ўзаро сармояларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим, В.Фокснинг фикрича, икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.



Япония. Меъморий ёдгорлик

## ДАСТЛАБКИ МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА...

*Якшанба куни Коста-Рикада президент сайлови бўлиб ўтди. Ҳали янги президент аниқлангани йўқ. Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳозирча номзодлар орасида Социал-насронийлар бирлиги партияси вакили Абел Пачеко етакчилик қилмоқда. Унга сайловчиларнинг 38,5 фоизи овоз берган. Мамлакат қонунларига кўра, сайловда ғалаба қозониш учун 40 фоиздан кўп овоз олиш лозим. Агар ушбу натижа қўлга киритилмаса, мамлакат тарихида илк бор сайловнинг иккинчи босқичини ўтказишга тўғри келади.*

## НОСОЗЛИК САБАБ БЎЛДИ

Алмати — Москва йўналиши бўйича парвоз қилган «Эйр Қозоғистон» миллий авиакомпаниясига қарашли «Боинг-737» самолёти авария ҳолатида Жезқазган аэропортига қўндирилди. Мамлакат фавқулодда вазиятлар агентлиги тарқатган хабарларга кўра, бунга парвознинг иккинчи соатида двигателлардан бирида вужудга келган носозликлар сабаб бўлган. Маълумотларга қараганда, қўниш пайтида 96 нафар йўловчи ҳамда экипаж аъзоларининг ҳеч бири шикастланмаган.

## РАКЕТА УЧИРИЛДИ



Японияда душанба куни фазога иккинчи бор ракета учирилди, дея хабар қилади Reuters агентлиги. Орбитага ер йўлдошини олиб чиқиши лозим бўлган ушбу ракетанинг парвози жума куни техник ҳамда ноқулай об-ҳаво шароити туфайли кечиктирилган эди. Худди шундай ракета ўтган йилнинг августида ҳам учирилганди.

## НОРОЗИЛИК БИЛДИРИШМОҚДА

Индонезияда табиий офат туфайли бошпанасиз қолган юз минглаб одамлар ҳукуматга норозилик билдирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ҳукумат ёғингарчилик, сув тошқинлари оқибатларини бартараф қилишнинг чорасини кўрмаётир. Давлат идораларидан кўра мурувват ташкилотлари вакиллари ҳамда кўнгиллилар бу борада кўпроқ жонбозлик кўрсатмоқда.


# «СИРҒАЛИ УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ» ОАЖ

## акциядорлари диққатига!

***Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилади.***

**КУН ТАРТИБИ:**

*1. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.*

*2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.*

*3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*

*4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.*

*5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлари ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.*

*6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.*

**Йиллик умумий йиғилиш 2002 йил 6 мартда соат 11.00 да «Сирғали универсал бозори» ОАЖ маъмурий биносида бошланади.**

**Йиғилиш қатнашчилари 6 март соат 10.00 дан 10.45 гача рўйхатга олинади.**

**Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорларнинг рўйхати 2002 йил 4 февраль ҳолати бўйича тузилади.**

**Йиғилиш ҳақидаги маълумотлар билан «Сирғали универсал бозори» ОАЖ маъмуриятида соат 9.00 дан 15.00 гача танишиш мумкин.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

**«Сирғали универсал бозори» ОАЖнинг 2001 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари кўрсаткичлари**

**БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ**

| Кўрсаткичлар номи | Кўрсаткичлар (минг сўм) |
|---|---|
| **АКТИВ** | |
| Узоқ муддатли активлар | 131054,0 |
| Оборот активлари | 62706,0 |
| Жами баланс | 193760,0 |
| **ПАССИВ** | |
| Ўзлик маблағларининг манбалари | 122675,0 |
| Устав фонди | 59136,0 |
| Мажбуриятлар | 11949,0 |
| Жами баланс | 193760,0 |
| ***Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот*** | |
| Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | 169856,0 |
| Умумий хўжалик фаолиятининг натижаси | 87935,0 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда | 6151,0 |

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

**2002 йил 7, 15 март кунлари КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ**

*Савдога қуйидаги автотранспорт воситаси:*

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси «Авиасозлар бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10 AR 569 бўлган, «TIGO STD» қўйилган.

**Бошланғич баҳоси — 1 095 403,3 сўм.**

Савдолар соат 10.00 да бошланади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй.**

**Метронинг «Алишер Навоий» бекати.**

**Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ**

# INTER-SPORT

## ХАЛҚАРО БАҲС ҒОЛИБИ

Японияда теннис бўйича ўтказилган йирик халқаро турнир якунланди. Ҳал қилувчи баҳсда швейцариялик Мартина Хингиснинг қўли баланд келди. У уч сетда америкалик Моника Селешни 7:6, 4:6, 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ғолиб теннисчига 182 минг АҚШ доллари бериладиган бўлди.

## ЖАҲОН ЮЛДУЗЛАРИ УЧРАШУВИДА



Лос-Анжелесда хоккей миллий лигасининг жаҳон юлдузлари терма жамоаси навбатдаги учрашувни ўтказди. Терма жамоа АҚШ хоккейчиларини 8:5 ҳисобида доғда қолдирди. Бу ғалабага дарвозабон Татра Вау билан россиялик Николай Хабибулин муносиб улуш қўшдилар. Гап шундаки, АҚШ терма жамоаси дастлабки давра ўйинларида олдинга ўтиб, ҳисобни ўз фойдасига 5:3 қилиб олганди. Учинчи даврада майдонга тушган Хабибулин 20 дақиқада дарвозани бир неча марта нишонга олиб, жаҳон юлдузлари жамоасини бултурги мағлубият аламидан халос этди.

## ФУТБОЛ ҚИРОЛИНИНГ МУЗЕЙИ



Афсонавий тўпурар, футбол қироли бразилиялик Пелега бағишланган музей Сан-Паулада очилди. 500 дан кўпроқ экспонат орасида мухлислар Пеленинг бир вақтлар кийган спорт кийими, жаҳон кубогининг нусхаси, ҳатто болаликдаги пайпоғининг парчалари, чарм тўп ва қиролнинг дарвозага мингинчи голни киритиши билан боғлиқ турли фотосуратлар бор. «Пеленинг ўзи жонли ҳайкал бўлиб турганда, бундай музейга ҳожат бормиди», — деб ҳазиллашди музейнинг очилишида қатнашган ФИФА президенти Йозеф Блаттер. Бу сайёр музей бўлиб, олдин АҚШ, кейин Европа шаҳарлари бўйлаб «сафар» қилиши мўлжалланмоқда.

## МИЛЛИОННИ ДАЪВО ҚИЛИБ



Украиналик шахматчи Руслан Пономарев кутилмаганда миллион доллар жарима тўлаши мумкин экан. Гап шундаки, Линаресда ўтказиладиган халқаро шахмат турнири ташкилотчилари 24 соат мобайнида ана шундай ариза билан маҳаллий судга шикоят қилишмоқчи. Уларнинг сўзларига қараганда, Пономарев яқинда ФИДЕ чемпионатида иштирок этаётиб, ўз ватандоши Василий Иванчукдан устун келгач, бундай мусобақада қатнашмоқчи эмаслигини маълум қилган. Ваҳоланки, у шартномага имзо чеккан эди. Бундай мулоҳаза турнир соҳибларини қаноатлантирмади. Чемпионнинг гапига қараганда, у ана шу муддатларда ўзининг қадрдон шаҳри Краматорскда халқаро шахмат мактабини очмоқчи экан. Гарри Каспаров, Майкл Адамс, Вишванатан Ананд каби кучли шахматчилар иштирок этадиган халқаро турнир эса 23 февралдан 10 мартгача Линаресда ўтказилиши кўзда тутилган.

### УЙҒОҚ СЎЗ



# ТУЙҒУЛАР МУСАВВИРИ

Шоир Турсун Али ёлғизликнинг узун, бедор манзаралари, изтиробнинг илинж билан юзлашган дамлари, ҳаяжоннинг жон оғриқлари, сукунатнинг сир-синоати, осмонга урилиб кетган овозларни англаб етади. «Тун... уйғотиб юборар мени» дейди шоир.

Секин атрофга қарайсан сен томонга келаётган, борлиғингга келиб урилаётган «ойнинг оёқ товушлари...» Руҳиятингда «туйғулар ранги»ни чақнатиб юборади. Ёруғлик етаклайди сени, туннинг қоп-қора ваҳмини узоқларга учириб кетади шамол. Жаранглаб қоғоз узра тўкилиб кетади сўзлар. Кўзларинг олдида осмон ерга қараб тушиб келади. «Юлдузлар чарақлар менинг руҳимда». Руҳиятдаги дард, шеър бўлиб туғилади.

Шоирнинг туйғулар мамлакатига қадам қўясан. Бу ерда сени сўзлар етаклайди. Сўзлар уйғотар. Сўзлар ҳукмронлик қилар оламга. Ҳар бири қуёшдек қадрли, шамолдек исёнкор, орзудек ойдин, шабнамдек ҳуркак. Тун каби сирли. Туннинг кўзларига тикилар шоир. Озод овоз билан уйғотмоқчи бўлар оламни.

Эркин шеър, сочма, мансураларни, бир сўз билан, озод шеърлар дейиш мумкин.

Турсун Али шакл ва шеърнинг анъанавий мезонларидан чекинади. У кўнгил ҳайратларини ўзига хос ранг, образларда ифода этади. У шеърнинг назарий томонларидан кўра янги моҳиятларини очиб беришга интилади. Озод шеър дунёга келади.

Адабиёт йўли машаққатли. Уни ҳамма ўз сўқмоқлари билан бойитади. Сўқмоқлар қўшилиб адабиётнинг улкан, кенг, ёруғ йўлига олиб чиқади. Адабиёт такрорланмас ранглар камалаги. Унда ҳеч бир калом такрор айтилмайди. Сўз санъаткорларининг барчаси ўзига хос ранглар билан битикларини ифодалайди.

Турсун Али шеърияти «Туйғулар ранги» ила янада бойиди. Унинг руҳият оламида буюк, қудратли, жаҳоний уйғоқ сўз, тафаккурнинг тизгинсиз тимсоллари, туннинг бетакрор ташбеҳлари ҳукмронлик қилади. Унинг шеър оламида Виктор Хара, Ноzим Ҳикмат, Пабло Неруда сабоқлари, Миртемир, Усмон Носир, Ойбекка хос бўлган жуда оддийлик ортида яширинган кенглик, озод руҳ ила оламни англаш кўзга ташланиб туради:

***Қуёшдай, ёмғирдай мен майсаларга,***
***бир кун топшираман ўтли бағримни.***

Зангор сўзлар, шоир қалб оламини тирикликка, табиатга ҳамоҳанглигини англатади. Аслида қуёш ва ёмғир майсаларга ўзининг сўнгги нафасини бахшида этиб, ўша кунги умрини тугатади. Қуёш уфққа бош қўяди. Ёмғир дардларини айтиб йиғлаб, кўз ёшларини майсанинг мунгли бағрига мунчоқ каби тизади. Уларнинг ниҳоя топиши покиза майсага бош қўйиш билан тугайди. Шоир уларга ҳавас қилиб ўзининг ўтли бағрини бир куни майсага топширишини айтади.

«Қиш ранглари»да шоир бутун оламнинг ўз ранги борлигини кашф этади. Аслида инсоннинг журъати, эътиқодининг ҳам ранглари бор. «Қор ёғар, о замин чулғанган оппоқ сукунатга». Қор, қиш ҳақида янги сўз кишини ҳайратлантиради. «Товушимни ейди оч совуқ», «Музлаган қорларни кўксин синдириб», «Қишнинг узун ҳикояси бошланар энди».

Шоир Турсун Али шеърлари сокинлик билан қалбингизга кириб бориб, абадий қолмоқ учун сукунатдек яшай бошлайди. Бу сукунат сизни «Зангор овоз»ларга элтади. Бу нимагадир чақириш, ялангочлик эмас, аксинча қалбни сўз билан юзма-юз қолдиришдир.

■ **Фаррух ҲАМИДУЛЛО ўғли**




# ҒЎЗАНИНГ «ШЛЯПАСИ»

**«5-САҲИФА»**

Хива туманидаги энг йирик хўжаликлардан бирига узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматлик Рўзимат Мадаминов кўп ҳозиржавоб, ҳақиқатгўй раислардан эди. Шўро даврида машҳур бўлган «вакилчилик» иш услуби билан боғлиқ бир ҳангомани воҳада ҳозир ҳам кулиб эслашади.

Маълумки, пилла мавсумида қишлоқдаги асосий ишчи кучи даладан олиниб, ипак қурти парваришига жалб қилинарди. Бундай пайтда даладаги ғўзани ўт босиши ҳеч гапмас.

Айни шундай қизғин палла — ипак қурти парвариши вақтида тумандан бош вакил хўжаликка келиб, далаларни кўздан кечира бошлайди. Кўрадики, бригада даласидаги ғўзани ўт босиб кетган. Вакил бригадирни койишга тушади, ҳатто ҳақорат қилишгача бориб етади. Рўзимат ака бу ҳолга чидаб туролмайди, негаки бригадир кеча-кундуз ухламай ипак қурти парваришининг бошида юрибди, ишга чалғиб даладан хабар ололмагандир. «Тўхтанг! — дейди раис вакилга. — Бу ўтлар нимжонгина ғўза тупларига соя бериб турибди. Ҳавонинг ҳароратини, қуёшнинг қиздиришини қаранг. Агар юлиб ташланса, ғўзалар қуриб қолади-ку».

Вакил умуман бошқа соҳа одами экан, раиснинг бу гапларига ҳайрон қолиб ўтирмади, балки тасдиқ қилиб, бригадирдан шу ерда кечирим ҳам сўрайди.

Раис ва вакил бошқа бригада даласига ўтадилар. Бу ерда аҳвол бошқача — ғўза қатор оралари бегона ўтлардан батамом тозаланган экан. Буни кўрган вакил бригадирга бошқача дашном қила бошлайди: «Сенда билим, тажриба борми ўзи? Қўшни бригадирдан ўргансанг бўлмайдими? Ўтларни нега юлиб ташладинг? Ёзнинг жазирамасида ўтлар ғўзага соя бериб туришини наҳотки билмасанг?»

Вакилнинг кўзи бирдан бригадирнинг бошидаги шляпага тушади ва овозини тағинда баландлатади: «Мана ўзинг шляпа кийиб олибсан. Юзинг иссиқда қорайишини истамайсан, сенга қолса бу бечора ғўзалар иссиқда куйиб кетсин. Табиат берган инъомдан маҳрум қилибсан. Сен билан бошқача шуғулланиш керак...»

Бригадир ҳайрон, раис эса «билимдон» вакил сўзларидан ҳоҳолаб кулиб юборишдан ўзини зўрға тутади.

■ **Рўзимбой ҲАСАН**


# «ОҚ ОЛТИН»

**ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2002 ЙИЛ 10 ФЕВРАЛДАГИ 10-ТИРАЖИДА ЎЙНАЛАДИГАН ЮТУҚЛАР:**




**«ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕКЎРСАТУВИ ҲАҚИДАГИ ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ УЧУН ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!**
**МУКОФОТ — «ОЛТИН МИКРОФОН».**
**ТЕЛЕФОНЛАР: 133-66-53, 133-66-79.**


## «ОҚ ОЛТИН» ТЕЛЕВИЗИОН ПУЛ-БУЮМ ЛОТТОСИНИНГ 2002 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛДАГИ 9-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

**1 ТУР -**
28, 38, 81, 82, 35, 52, 77.
*«ELITA» салонининг 250 000 сўмлик буюмлари.*
Сони: 1. 186513

**2 ТУР -**
90, 65, 89, 27, 42, 88, 10, 73, 72, 62, 87, 53, 58, 85.
*500 000 сўмлик тилла буюмлар.*
Сони: 1. 150035

**3 ТУР -**
5, 67, 45, 26, 3, 75, 1, 80, 64, 41, 66, 6, 48, 11, 21, 23.
*750 000 сўмлик тилла буюмлар.*
Сони: 1. 193078

**4 ТУР -**
54, 34, 14, 33, 70, 18, 16, 69, 36.
*1 000 000 сўмлик тилла буюмлар.*
Сони: 1. 397309

**5 ТУР -**
63, 43, 30, 76, 9, 19, 25.
*«MATIZ» автомобили, 9 500 000 сўм.*
Сони: 1. 138516

**6 ТУР -**
86, 32, 8, 29, 24, 84, 44, 83, 61.
*«NEXIA» автомобили, 11 350 000 сўм.*
Сони: 1. 105795

**7 ТУР -**
20, 55, 68, 12, 56, 60.
11000 сўм. Сони: 2

**8 ТУР -**
7, 46, 39.
8000 сўм. Сони: 9

**9 ТУР -**
37.
7000 сўм. Сони: 30.

**10 ТУР -**
49.
6000 сўм. Сони: 37.

**11 ТУР -**
17.
5000 сўм. Сони: 80.

**12 ТУР -**
22.
4000 сўм. Сони: 104.

**13 ТУР -**
4.
3000 сўм. Сони: 197.

**14 ТУР -**
79.
2000 сўм. Сони: 367

**15 ТУР -**
74.
1000 сўм. Сони: 434.

**16 ТУР -**
2.
900 сўм. Сони: 1370

**17 ТУР -**
15.
800 сўм. Сони: 1244

**18 ТУР -**
71.
700 сўм. Сони: 3256

**19 ТУР -**
31.
600 сўм. Сони: 5414

**20 ТУР -**
13.
500 сўм. Сони: 6068

**21 ТУР -**
78.
400 сўм. Сони: 11845

***Халтадан чиқмаган шарлар: 40, 47, 50, 51, 57, 59.***

## ☺ КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

**Судья:**
— Ҳамма бахтсизликларингизга сабаб — ичкилик.
**Айбланувчи:**
— Ҳамма айбни бир ўзимга ағдариб қўймаганингиз учун раҳмат, жаноб судья.

✧✧✧

**Судья:**
— Нима учун «гувоҳ ғирт маст эди» дейсиз?
— У телефон будкасига кириб, кўп вақт ғимирлаб турди. Кейин «лифт ишламаяпти» деб ўшқириб сўкиниб чиқди...

✧✧✧

**Судья:**
— Сиз ўзга одам бўлишга уриниб кўринг.
**Айбланувчи:**
— Уриниб кўрдим. Мени шу заҳоти ушлаб, ҳужжатларни қалбакилаштирганим учун қамадилар.

✧✧✧

**Судья:**
— Судланувчи, хотинингизни ўлдиришда нима учун алмисоқдан қолган қурол —ўқ-ёйдан фойдаландингиз?
— Болаларимни уйғотиб юбормаслик учун.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманида рўйхатга олинган «Азизжон-сервис» хусусий фирмасига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Давлат мулки бошқармаси томонидан 1993 йил 20 октябрда 0802/14225 рақами билан Шурдукалов Николай Павлович номига берилган уй-жой шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

BOSH MUHARRIR
**Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi ȯrinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir ȯrinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir ȯrinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tȯlepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR oǵli

MUASSIS:

ÓZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

| | |
|---|---|
| Siyosat va huquq — | 133-44-55 |
| Iqtisodiyot — | 133-76-04 |
| Ma'naviyat — | 133-07-20 |
| Xatlar va ommaviy ishlar — | 133-12-56, |
| Axborot — | 136-55-16 |
| Kotibiyat — | 133-72-83 |
| Reklama va e'lonlar — | 133-38-55, 133-47-80 |
| Faks — | 133-73-43, 133-06-83 |

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

| | |
|---|---|
| Andijonda | — 25-16-16 |
| Buxoroda | — 222-10-92 |
| Gulistonda | — 25-03-80 |
| Jizzaxda | — 5-49-85 |
| Navoiyda | — 3-39-20 |
| Namanganda | — 6-43-43 |
| Nukusda | — 222-70-12 |
| Samarqandda | — 35-20-54 |
| Toshkentda | — 136-53-16 |
| Urganchda | — 226-51-35 |
| Farg'onada | — 26-43-62 |
| Qarshida | — 4-61-35 |
| Termizda | — 3-79-98 |

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KȮCHASI, 32-UY.

Navbatchi
**Akbar JONUZOQOV**

Gazeta «Ózbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
**Ikromjon ISMOILOV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
*Buyuk Turon kȯchasi, 41-uy.*

*Gazeta Ózbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qȯmitasida 00004-raqam bilan rȯyxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«Ózbekiston ovozi» materiallarini kȯchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 23.00*
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA